# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 2 март, № 43 (5210) Чоршанба


# ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ ЕТУК

**авлодни тарбиялаш юрт тараққиёти, жамият равнақининг муҳим асосидир**

***Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни нақадар беқиёс эканини истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳага қаратилаётган юксак даражадаги эътибор самаралари яққол кўрсатиб турибди. Бугун йигит-қизларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги спорт мусобақаларида, балки кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар. Уларнинг шарафига давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграганда, барчамизнинг кўнглимиз чексиз ғурурга, фахру ифтихорга тўлаётир.***



### Болалар спорти

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эртамиз эгаларини ҳар жиҳатдан комил инсонлар сифатида ўстириш, улар онгида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ўтган йиллар давомида кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилди. Ҳозир қайси шаҳар, туман ёки олис қишлоқ ҳудудига борманг, кўркам ижтимоий-маиший бинолар қаторида бири-биридан чиройли, муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар ва иншоотларга кўзингиз тушади. Уларда минглаб болаларнинг ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланаётгани эса ҳавасингизни келтиради. Ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг дунё миқёсида ҳам юксак даражада эътироф этилиб, эндиликда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани янада қувонарлидир.

(Давоми 4-бетда).

---

## 2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

***БМТ — йўналишлар қамрови ҳамда глобал миқёсдаги нуфузи жиҳатидан дунёдаги қатор ташкилотлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди.***

***У ҳақда сўз кетганда, “тинчликпарвар ташкилот” деган ибора қўлланилади. Низомининг “Уруш тўғрисидаги ғоялар инсон онгида пайдо бўлади, шунинг учун айнан инсон онгида тинчлик тўғрисидаги ғояларни шакллантириш лозим” мазмунидаги машҳур фикр билан бошланиши ҳам ана шу таъриф бежиз айтилмаганига бир мисолдир, назаримизда.***

### Анита Ниродиː

# «ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ»

*Қолаверса, БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи биноси пештоқига шарқлик буюк шоирлардан бири Саъдийнинг қуйидаги мисралари ёзиб қўйилган: “Олам аҳли бир тананинг турли аъзолари бўлиб, у бамисоли гавҳар каби яратилгандир. Ана шу тананинг бирор аъзосида дард пайдо бўлса, бутун танага оғриқ тарқалади”. Бу осойишталикнинг аҳамиятини, ташкилот олиб бораётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ифодалаб берадиган сатрлардир.*

*Ўзбекистон БМТ билан 19 йилдан бери кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мухбиримиз БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Анита НИРОДИ билан суҳбатлашди.*

**— Ниродиᅠхоним, аввало, БМТнинг ташкил этилиши ва фаолият йўналишлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.**

— БМТ, мана, 65 йилдирки, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, жаҳонда тинчлик-тотувликни ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Ташкилот фаровонлик, атроф-муҳит ва қочоқлар ҳимояси, терроризм, қуролланиш пойгасининг олдини олиш, демократияни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, маъмурий, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби мақсадларни “Бугунги кун ва келажак авлод учун тинч ҳаёт” шиори остида амалга ошириб келмоқда.

БМТ тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, гуманитар ёрдам соҳасида кенг қамровли ишларни бажараяпти. Бундан ташқари, БМТ табиий ва антропоген омиллар туфайли келиб чиқадиган офатларни бартараф қилиш, маҳаллий ҳокимият органларининг бу жараёндаги масъулият ҳиссини ошириш, ҳукуматлар ва ташкилотлар томонидан бундай салбий ҳодисаларни камайтириш, улардан азият чеккан одамларга кўмаклашишда иштирок этмоқда.

БМТнинг муҳим йўналишларидан бири гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқини таъминлаш ҳисобланади. 2010 йилнинг июль ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан гендер муаммолари билан шуғулланувчи органи — БМТ Аёллари ташкил этилишининг боиси ҳам шунда. БМТ Аёллари ЮНИФЕМ (БМТнинг Хотин-қизлар манфаатлари учун ривожланиш жамғармаси) каби жамғармаларни ўз ичига олади. Мазкур тузилма жорий йилнинг январь ойидан тўлиқ фаолият юритишни бошлади.

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув даврида ўзаро аҳилликнинг аҳамияти катта. Зеро, жаҳондаги 192 та давлатни ўзида бирлаштирган ушбу ташкилотни унинг ҳар бир аъзоси халқаро майдонда ҳамкорликни кучайтириш ҳамда глобал тараққиётга хизмат қилувчи ташаббусларни кўрсатиш минбари, деб билади.

**— Келинг, энди суҳбатимизни БМТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тарихи, самаралари ҳамда келажак режалари ҳақида давом эттирсак.**

— Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 2 мартида ташкилотга аъзо бўлиб кирди. 1993 йил февраль ойида эса Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.

(Давоми 2-бетда).

---

***“Тошкент — Бухоро” йўналишида қатновчи поезд манзилга етиб келган паллада ҳарбий оркестр ижросида тантанали куй янграб, махсус ажратилган вагондан аскар йигитлар бир-бир чиқиб кела бошлади.***

# ҚАЛБДА ҒУРУР, ЮРАГИДА САДОҚАТ

Бекатда турганлар — Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшатилган йигитларнинг ота-оналари, яқинлари, жамоатчилик вакиллари уларга пешвоз чиқди. Бу манзарани кўриб, кўнгил тубида бир ҳис жўш уради: шукр, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, эл осойишта ҳаёт оғушида. Бунда армиямиз сафида ўз бурчини ўтаб қайтаётган мана шу йигитларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Муддатли ҳарбий хизматни Тошкентда ўтадим, — дейди ўзини Мирсодиқ Мирхонов деб таништирган йигит. — Армия мени жуда кўп нарсага ўргатди. Тартиб-интизом, ишни режали ташкил этиш борасида кўникмага эга бўлдим. Дўстлар орттирдим. Дунёқарашим кенгайди. Армияни ҳаёт мактаби дейишгани бежиз эмас экан. Келгусида Навоий тоғ-кон институтида ўқиб, замонавий автоматика соҳасида малакали кадр бўлиб етишмоқчиман.

Мирсодиқнинг ишонч билан айтаётган бу сўзлари ҳам бежиз эмас. У ўз бурчини намунали ўтагани учун ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлди. Бу олий ўқув юртига имтиёз билан киришида асқотади.

— Ўғлимнинг соғ-омон қайтганидан, шундай имтиёзга эга бўлганидан бениҳоя хурсандман, — дейди унинг онаси Нигора Муяссарова. — Шофиркон туманидаги “Қалмақон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшаймиз. Ўзим ўқитувчи бўлганим боис яхши биламан: ўғлим тиришқоқ, билимга ташна. Муддатли ҳарбий хизмат давомида у янада жисмонан камолга тўлибди.

Шу тумандаги “Боғиафзал” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Пашмон қишлоғида яшовчи Шариповлар хонадони аъзоларининг ҳам қувончи чексиз. Оиланинг кенжа фарзанди Азизжон Қуролли Кучларимиз сафида ўз бурчини аъло даражада ўтаб, қишлоқдошлари, ёр-биродарлари ишончини оқлади. Ҳар бир хайрли ишнинг мукофоти бор, деганларидек, у ҳам армиядан олий ўқув юртига ўқишга киришда имтиёз берадиган тавсиянома олибди.

### Аскар уйига қайтди

Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган ромитанлик Равшан Фаттоҳов, Аббос Низомов сингари йигитлар ва уларнинг яқинлари билан суҳбатлашганимизда ҳам шу мазмундаги сўзларни эшитдик.

— Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Фазлиддин Бегимов. — Кўриб турганингиздек, армиядан ўз бурчини ўтаб қайтаётган ёшлар тантанали тарзда кутиб олинмоқда. Энди уларни ишга жойлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Аҳамиятлиси, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ҳар бир йигит эътиборда. Уларнинг келажаги ҳақида давлат ва жамият қайғурмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# БАНКРОТЛИКДАН – БАРҚАРОРЛИККА

**Иқтисодий ночор корхоналарнинг банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши уларнинг янада ривожланишида алоҳида ўрин тутади.**

***Республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилишга устувор вазифа сифатида қаралаётгани амалда ўз самарасини кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида халқаро доирада эътироф этилаётганининг боиси шунда. Бундай ижобий ўзгаришлар, айниқса, кейинги йилларда дунё миқёсида кузатилган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида яққол намоён бўлди.***

Буларнинг бари Инқирозга қарши чоралар дастури, шунингдек, давлатимиз томонидан қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга изчил татбиқ этилгани натижасидир, албатта.

Молия муассасаларининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича кўрилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар банкларнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фаолиятини янада жадаллаштирди. Пировардида банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилиб, ўтган йили улар томонидан ушбу соҳа ишлаб чиқарувчиларига ажратилган кредитлар ҳажми 35 фоизга ортди. Ички манбалар ҳисобидан берилган кредитлар ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг кредит портфели таркибини сифат жиҳатдан ҳам яхшилашга хизмат қилаяпти.

### Фармон ва ижро

Шунингдек, банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун 402 миллиард сўм ёки 2009 йилдагига нисбатан 58 фоиз кўп маблағ ажратилгани ҳам эътиборга моликдир.

Таъкидлаш жоизки, ночор корхоналарни тиклаш ва улар негизида замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамкорлигида “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар самараси. Банкларнинг банкрот корхоналарни соғломлаштиришдаги роли” мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз борди.

(Давоми 2-бетда).

---

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Хусусийлаштириш – ривожланиш гарови

***ТОШКЕНТ. Маълумки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари иқтисодиётимизда туб ўзгаришларни юзага келтириш билан бирга, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Бугунги кунга келиб, хусусийлаштирилган давлат мулки негизида кўплаб янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилгани, минглаб иш ўринлари яратилгани, юртимизда мулкдорлар сафи кенгайган ҳолда, уларнинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

## Импорт ўрнини босади

***АНДИЖОН. Қорасув шаҳридаги қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослаштирилган “Қорасув қурилиш люкс” масъулияти чекланган жамиятида пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.***

Бунинг учун тадбиркор Санжарбек Қобулов банкнинг 30 миллион сўмлик кредитидан унумли фойдаланди. Қўшимча 10 га яқин иш ўрни яратилган корхона жамоаси қисқа муддатда 10 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб берди.

Айтиш жоизки, 2010 йилда шаҳарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 846 та иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кичик корхонанинг катта муваффақияти

***НАМАНГАН. Учқўрғон туманининг Қайқи қишлоғида фаолият кўрсатаётган “Идрис чокинниг боқийлиги” хусусий корхонасида янги имкониятларни ўзлаштириш эвазига импорт ўрнини босувчи эркаклар кўйлаги тайёрлаш йўлга қўйилди.***

Ҳозир 24 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада ўтган қисқа муддатда 700 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Эндиликда ушбу корхона жамоаси ўз маҳсулотларини хорижга ҳам экспорт қилишни мўлжалламоқда.

Таъкидлаш керакки, туманда 2010 йилда мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар томонидан 104,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Истеъмол моллари кўпаяди

***НАВОИЙ. Кармана туманидаги “Нодиржон-Навоий” хусусий корхонаси қошида паррандачилик фабрикаси ишга туширилди.***

Бунинг учун тадбиркор Нодир Қаюмов ўз маблағи ва банк кредити ҳисобидан 131 миллион сўм сарфлади. Натижада бу ерда икки мингтадан зиёд товуқ парвариши йўлга қўйилиб, еттита янги иш ўрни яратилди. Корхона жамоаси қисқа муддатда 26 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотини истеъмолчиларга етказиб берди.

Эътиборлиси, ўтган йили туманда 16 миллиард 96 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Фуқаро муҳофазаси – устувор вазифа

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли тинчлиги ва хавфсизлигини, ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш ва содир бўлган ҳолларда оқибатларини бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги тадбирларни бажаришда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Фуқаро муҳофазаси куни ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 15 йиллигига бағишлаб пойтахтимизда ташкил этилган “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — устувор вазифа” мавзуидаги матбуот анжуманида ҳам шулар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

**Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар, модернизация, маҳаллийлаштириш, инвестиция дастурлари доирасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли иқтисодиётимиз барқарор юксалмоқда. Хусусан, аграр соҳа ислоҳотлари чуқурлаштирилиб, фермерлик ҳаракатининг кўлами кенгайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай муҳит ва эркин шароит яратилди.**

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

## кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида катта аҳамият касб этади

Муҳими, ушбу изчил ва чуқур ислоҳотлар жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барқарор ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш имконини бермоқда. Жумладан, сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробарга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,2, истеъмол товарлари 3,2, инвестициялар қарийб 3, пуллик хизматлар 3,6, экспорт ҳажми 3,6 баробарга ортди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли кўплаб давлатларда иқтисодий таназзул кузатилаётган бундай пайтда юртимизда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари сақланиб келинаётгани, яъни 2008 йилда 9, 2009 йилда 8,1, 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этгани бунга яна бир далил бўлади.

### Концепция: устувор вазифалар

Ҳозирги глобаллашув даврида ушбу натижалар билан қаноатланиб қолиш мумкин эмас. Бу эса биз, депутатлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан, қўмитамиз аъзолари Президентимизнинг парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ўзларининг иш фаолиятини ташкил этмоқда. Жумладан, қўмитанинг муддатли Ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, 2011 йилнинг иш режаси шу асосида тузилди.

Мазкур режага асосан, назорат-таҳлиллар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Масалан, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асосида бозор иқтисодиётининг қонунчилик базасини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий конференцияда қонун ижодкорлиги билан боғлиқ истиқболдаги вазифалар таҳлил этилди. Тадбир демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишидаги ҳамда банклар фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш, амалдаги иқтисодий қонунчилик мониторинги ва уни кодификациялаш, шу билан бирга, молиявий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари даражасига кўтаришга бағишланди. Шунингдек, Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда иқтисодиётдаги муваффақиятлар ва истиқбол имкониятлари, барқарор иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ва 2011 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари каби масалалар муҳокама қилинди. Албатта, бу анжуманларда билдирилган таклиф ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида унумли фойдаланилади.

Қонун лойиҳалари муҳокамаси юзасидан ўтказилаётган семинарлар ҳам бу борада қўл келаётганлигини айтиш зарур. Масалан, жойларда ўтказилаётган бир қатор семинарларда “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Улар ҳаётга татбиқ этилгач, хусусий мулкнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланади, тадбиркорликка рухсат бериш тартиби соддалаштирилади, соғлом рақобат муҳити қарор топади.

Депутатларимиз қонунчилик ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги”ги қонунлар лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Табиийки, ушбу қонун ҳужжатлари ҳам, пировардида, мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилади.

Шунингдек, Концепцияда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улушини кенгайтиришни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш вазифалари ҳам белгилаб берилган. Оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатини кучайтириш, иқтисодиёт соҳаларида уни кенг ривожлантириш мақсадида янги ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вазифаси шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, қуйи палата депутатлари олдида турган вазифалар жуда салмоқли. Бу вазифаларни амалга ошириш учун бор куч-ғайратимизни сарфлаймиз. Зеро, юрт равнақи ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдек улуғ ишга ўз ҳиссамизни қўшиш олий мақсадимиздир.

**Бахтиёр ИМИНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси.**

# ДАЛА ЮМУШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ҳар йили мўл ҳосил етиштирилиб, дастурхонимиз тўкин, рўзғоримиз обод бўлмоқда. Юртимиз деҳқон ва фермерлари жорий мавсумда ҳам баракали хирмон яратиш мақсадида астойдил меҳнат қилишаётир.***

### Анжуман

Бироқ улар учун ўзига хос синов бўлаётган бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг энг тежамкор ва мақбул усулларидан фойдаланиш, ғалла парвариши ва чигит экишга тайёргарлик ишларига алоҳида масъулият билан ёндашиш талаб этилаяпти. Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида бўлиб ўтган йиғилишда шу каби қишлоқ хўжалиги тармоғидаги бугунги долзарб масалалар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, айни шу кунларда амалга оширилган сифатли агротехника тадбирлари эртанги ҳосил тақдирини ҳал қилади. Халқимиз “Баҳорнинг бир куни йилга татийди” дея бежиз айтмаган. Шу боис мутахассис-олимлар ғалла парваришини жадаллаштиришни, 2011 йил ҳосили учун чигит экишга пухта тайёргарлик кўришни тавсия этишмоқда.

Тадбирда ғаллачилик ва пахтачилик тармоқларида ўтган йилларда қўлга киритилган ютуқлар баробарида, йўл қўйилган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам таҳлил этилди. Хусусан, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, ғалла майдонларида турли зараркунанда ва касалликларнинг кўпайиши натижасида айрим фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ва дон сифатининг пасайганлиги, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик ва кимёвий воситалардан самарали фойдаланилмаётганлиги, айрим жойларда шўр ювиш ишларининг етарлича олиб борилмаслиги туфайли ерларнинг шўрланиш даражаси ортиб бораётганлиги таъкидланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев сўзга чиқди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда Ўзбекистонда ташкилотнинг бир қатор дастури, жамғармаси ва агентликлари фаолияти йўлга қўйилган. БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНОДК), ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНЭЙДС), Жаҳон банки каби ихтисослаштирилган муассасалари ўзаро муносабатларимизда муҳим аҳамиятга эга.

# Анита Нироди: «ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ»

Шу маънода, ҳозирги кунда Ўзбекистон билан алоқалар кенг қамровли ва самарали давом этмоқда. Хусусан, дунёнинг бошқа мамлакатлари билан билим ҳамда тажриба алмашиш, иқтисодий-ижтимоий соҳалар, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий меросни асраш, гиёҳванд моддалар тарқалиши, ОИВ/ОИТСга қарши кураш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бинобарин, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси ва унинг ихтисослаштирилган институтлари тизими билан самарали фаолият юритмоқда. Бу борада Марказий Осиё минтақасининг глобал масалалари бўйича фикр алмашиш мақсадида мамлакатингизга БМТ Бош котибининг икки бор ташриф буюрганини тилга олиб ўтиш лозим.

Ҳозиргача Ўзбекистон томонидан БМТ сессияларида халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш, Афғонистонга қурол олиб киришга эмбарго қўйиш, Афғонистондаги вазиятга ечим топишга қаратилган БМТ шафелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш (бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилган), БМТ қошида терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш кабилар шулар жумласидандир. Ушбу ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг бир қатор конвенцияларини ратификация қилганини таъкидлаш лозим. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол”ни мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистонда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши эса бугун халқаро миқёсда энг долзарб масала бўлиб турган муаммога қарши курашиш, ундан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди.

Юртингизда инсоният тараққиётига хизмат қилувчи Мингйиллик мақсадлари йўлида қўлга киритилган натижалар ҳам эътиборга лойиқ. Социал-иқтисодий соҳалардаги барқарор тараққиёт суръатлари мамлакатингизнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида олға боришига замин яратмоқда. Масалан, Ўзбекистон таълим тизимида гендер тенглигига эришилди, оналар ўлими учдан бир бараварга қисқартирилди.

Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги иштироки ва сўзлаган нутқи ўзаро алоқаларни янада юксалтиришга туртки бўлди.

Ҳозир Ўзбекистонда 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган UNDAF (БМТнинг Ривожланиш мақсадларида ёрдам кўрсатиш бўйича) ҳадли дастури амалга оширилаётганини айтиб ўтиш лозим. Мазкур стратегик режа бир қатор ҳаётий йўналишларни ўз ичига олади. Уларда иқтисодий фаровонликни янада ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, ОИВ/ОИТС-инфекцияси тарқалиши ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг соғлом ривожланишини қамраб олган ижтимоий хизматлар кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш назарда тутилган. UNDAF Мингйиллик мақсадлари бўйича ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ва кучайтириш имконини беради. Қисқача айтганда, ўзаро муносабатларимиз йил сайин мустаҳкамланиб, унинг уфқлари кенгайиб бормоқда.

**— Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингиз.**

— Ўзбекистонда ўз вазифамга киришганимдан бери икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида юртингизнинг бири-биридан кўркам жойларига саёҳат уюштирдим. Одамлар билан суҳбатлашдим. Ўзбек халқи ҳаёти билан танишдим, илму маърифати, самимияти, меҳмондўстлигига қойил қолдим. Бу мамлакатнинг бой тарихи, маданияти, мафтункор табиати, салоҳияти ва ривожланиш суръатлари ҳайратланарли даражада.

Мана шундай тараққиёт мамлакати билан БМТ ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан кейин ҳам изчил равнақ топиб боришига ишончим комил.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саиджон МАХСУМОВ суҳбатлашди.**

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун “Хусусийлаштириш — давлат мулки бўлган объектлардан самарали фойдаланишнинг бош мезони” мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда, шунингдек, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз бизнес-режасини рўёбга чиқариш истагида бўлган ишбилармонлар фаолиятини ривожлантириб, хорижлик инвесторларга талайгина имкониятлар яратаётгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, қўмита томонидан ўтган йили 96 та давлат активи 64,52 миллион АҚШ доллари ва 40,98 миллиард сўмга сотилгани, Инвестиция дастурига биноан, 16,1 миллион АҚШ долларилик сармоя жалб этилгани, умуман, 2007 — 2010 йиллар мобайнида 523 та давлат объекти хусусийлаштирилгани бунинг ёрқин далилидир.

Наманган вилоятидаги “Косонсой ППР” очиқ акциядорлик жамияти Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, инвесторга хусусийлаштириб берилган эди. Инвестор корхона биноларини таъмирлаб, ишлаб чиқариш цехларини қайта жиҳозлаши натижасида ҳозир 25 минг бош парранда парваришланаётган корхонада 50 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги “Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари негизида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, объектларни “ноль” қийматда сотиш бўйича бошланган танлов савдолари борасида ҳам маълумотлар берилди. Ушбу қарорда инвестиция мажбуриятлари ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шарти билан 57 та давлат активи хусусийлаштирилиши режалаштирилган эди. Гарчи, танлов савдолари жорий йил февраль ойининг иккинчи ярмида бошланган бўлса-да, у ҳозирданоқ ўз самарасини кўрсатмоқда. Яъни шу кунгача 10 та давлат объекти ўз эгасини топди. Бунинг учун инвесторлар томонидан 34,3 миллиард сўм ва 42,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.

Айни пайтда республикамизда 1560 та фаолият юритмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган иншоот хатловдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 824 таси 2011 — 2013 йиллар давомида сотилиши мўлжалланмоқда.

**Д. МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”, “Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида”, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги қонунлари шулар жумласидандир. Кадрларнинг билим ва тажрибасини ошириш, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, фавқулодда вазиятлар содир бўлган пайтда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги юзасидан кўникмаларини шакллантириш, махсус машғулотлар ўтказиш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

# Фуқаро муҳофазаси – устувор вазифа

Анжуманда вазирлик мутасаддилари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

**М. САИДОВ.**

# ЗАМОНАВИЙ, СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ

***Бугун мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

### Интилиш



Зеро, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва префенциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

Нукус шаҳридаги уй-рўзғор буюмлари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Интер-фарм” корхонаси ҳам тадбиркорлик соҳаси ривожига қаратилган ана шундай имкониятлар асосида ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган 100 дан зиёд турдаги сифатли ва бежирим маҳсулотлар ички бозорда харидорларини топиб улгурди.

— Президентимиз томонидан жорий йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” дея эълон қилиниши биз, соҳа вакилларини янада руҳлантириб юборди, — дейди корхона раҳбари Елена Галимова. — Айни пайтда жамоамизда ўндан зиёд ходим меҳнат қилаяпти. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратишга интилаяпмиз. Хусусан, яқинда “Микрокредитбанк”дан олинган кредит ёрдамида 6 та иш ўрни яратилди. Келгусидаги режаларимиз катта. Корхонани техник ва технологик жиҳозлаш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини ҳам, ҳажмини ҳам янада оширамиз. Бу яна ўнлаб маҳаллий йигит-қизларни иш билан таъминлаш имконини беради.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# БАНКРОТЛИКДАН – БАРҚАРОРЛИККА

## Иқтисодий ночор корхоналарнинг банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши уларнинг янада ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида республикамиз банклари ҳақида сўз юритаркан, “Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир”, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Чиндан ҳам, ўтган вақт мобайнида банклар томонидан шундай корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилиб, 21 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани шундан далолат беради. Қолаверса, молия муассасалари маблағлари эвазига қайта иш бошлаган корхоналарда 460 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий қиймати 165 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган маҳсулот четга сотилгани ҳам қувонарлидир.

Айни пайтда тижорат банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланган ва уларнинг 64 таси янги инвесторларга 663 миллиард сўмга сотилган.

Банкрот корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тажрибаси, айниқса, диққатга сазовор. Негаки, мазкур молия муассасасида Фармон ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида ўтган вақт давомида 44 та корхонада ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланди, 19 та корхона эса мулкдорларга сотилди. Бунинг учун банк томонидан 64,1 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Пойтахтимиздаги “Тошкент қоғози” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Гап шундаки, банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида деярли йўқ бўлиб кетиш арафасида турган мазкур жамоа эндиликда қоғоз ва ўқув қуроллари ишлаб чиқарувчи йирик корхонага айланмоқда.

— Банк томонидан 2 миллиард 38 миллион сўмлик маблағ ажратилгач, ишлаб чиқариш қувватимиз йилига 20 минг тоннага етиш баробарида, 335 кишини иш билан ҳам таъминлашга эришдик, — дейди жамият раҳбари Зоҳид Хўжаев. — Бунда, табиийки, ушбу маблағ эвазига ишлаб чиқариш цехларида тиклаш ишларини олиб борганимиз қўл келди. Натижада 2010 йилда 2 миллиард 362 миллион сўмдан зиёд, жорий йилнинг ўтган даврида эса 663,7 миллион сўмлик мактаб дафтарлари, картон ва бошқа қоғоз маҳсулотларини харидорларга етказиб бердик. Эътиборлиси, хом ашёнинг бари маҳаллий, яъни чиқинди қоғозлари. Бу иш унумдорлигини янада ошириш имконини бераяпти. Шу боис йил охиригача 11 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришни, яна юз нафар кишини иш билан таъминлашни режалаштирганмиз.

Шу ўринда айтиш керакки, янги корхоналарнинг активларини бошқариш ва уларга хорижий инвестициялар олиб кирилишини рағбатлантириш мақсадида “NBU Investment” ва “NBU Invest Group” шўъба корхоналари таъсис этилгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

Республикамиз тижорат банклари ҳозирги кунда “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастур”га биноан, ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кенг кўламли ишларни олиб бормоқдалар. Бу мамлакатимиз саноат корхоналарининг салоҳияти янада ортиши, аҳоли даромадлари бундан-да кўпайишига хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 1 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1691,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2681,69 |
| 1 Дания кронаси | 307,30 |
| 1 БАА дирҳами | 453,94 |
| 1 АҚШ доллари | 1667,20 |
| 1 Миср фунти | 283,34 |
| 1 Исландия кронаси | 14,34 |
| 1 Канада доллари | 1704,53 |
| 1 Хитой юани | 253,47 |
| 1 Россия рубли | 57,61 |
| 1 Украина гривнаси | 210,19 |
| 1 Малайзия ринггити | 546,62 |
| 1 Польша злотийси | 576,77 |
| 1 СДР | 2616,79 |
| 1 Туркия лираси | 1043,83 |
| 1 Швейцария франки | 1797,52 |
| 1 евро | 2284,20 |
| 10 Жанубий Корея вони | 14,79 |
| 10 Япония иенаси | 204,16 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

